



No'kis q. A.Dosnazarov 62 uy, ind: 230100 tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

“19” апрель 2021 й.

03-01/03-1952 - сонли

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 сентябрдаги 5538-сон фармонининг 1-банди, 4-хатбошида келтирилган талаблар ва давлатимиз Рахбарининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги 5712-сон фармонининг 3 боб, 8-банди, “ж” қисмида келтирилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 8 ноябрдаги 361-сон буйруғида келтирилган Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш ва ривожлантириш бўлими ва унинг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги шўъбаларига юкланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли бажариб борилишида ушбу бўлим ва шўъба ходимлари фаолият олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли ҳамда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармонларида келтирилган, таълим соҳасини рақамлаштиришга қаратилган вазифаларнинг бажарилишида ва умуман, таълим тизимида янги электрон тизимларни жорий этиш ва уларни ривожлантириб бориш ишларида АКТ ходимлари жонбозлик кўрсатиб келишмоқда. Ҳозирги пайтда, барча соҳалар ривожланишида, шу жумладан таълим тизимида ҳам, рақамли технологияларни кенг жорий қилиб бориш зарурлиги яққол кўринмоқда. Шу жиҳатдан, рақамли технологияларни ҳаётга татбиқ қилишда АКТ ходимларини кўшимча рағбатлантириш ва АКТ соҳаси жозибадорлигини оширишга қаратилган “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, Фармоннинг 7-банди, “г” кичик бандида “давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади” деб кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамда, АКТ ходимларига юклатилган вазифалар ва уларнинг бажариб келаётган ишлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013 йил 25 январдаги 18-сон Қарори 2-Иловаси II бўлимида келтирилган мезонларни ўз ичига олганлигини инобатга олган ҳолда, “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармонининг 7-банди, “г” кичик бандига асосан, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 8 ноябрдаги 361-сон буйруғи асосида лавозимга тайинланган АКТ ходимларига ҳар ойлик маошига 100% устама тўланиши юзасидан аниқлик киритиб беришда амалий ёрдам сўрайди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б

Қ.Бекбаулиев

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93-485-17-51